

# Фиқҳ дарслари (102-дарс). Суннат ғусллар



14:07 / 10.09.2020 5111

Жума, икки ийд намози, эҳром ва Арафа учун (ғусл) суннатдир.

Поклик дини бўлган Ислом мусулмонларни фақат вожиб ғусллар билан кифояланиб қолмасдан, ғусл вожиб бўлмаган вақтларда ҳам бу ишни қилиб туришга тарғиб қилган.

1. Жума намози учун.

Бу ҳақда кўплаб ҳадислар келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жума намози учун ғусл қилганлар, бошқаларни ҳам ғусл қилишга буюрганлар.

مجلس و هيلع لى لصي بن لى ن ع، ن ع لى لى ص ر س ا ب ع ر د خ ل د ي ع س ي ب ا ن ع  
ن ا خ ي ش ل ا ه ا و ر . «م ل ت ح م ل ك ل ع ب ج ا و ع م ج ل ا م و ي ل س ع ل ا» : ل ا ق





يُرَاحُ بِلْهَآوَرِّ ءَالِ صِلْ كَلِّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Умму Ҳабиба етти йил истиҳоза кўрди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўраганида, уни ғусл қилишга буюриб:

«Бу томир касаллигидир», дедилар. У ҳар намозга ғусл қилар эди».

Бухорий ривоят қилган.

Бу ҳукм ҳайздаги одат кунларини унутиб қўйган аёл учундир. Агар одат кунлари маълум бўлса, ундан бошқа кунларда ҳар намозга янги таҳорат қилиб ўқийверади.

6. Ҳушидан кетган одам ўзига келганда ғусл қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Уламолар бунга жинниликдан тузалган ва мастликдан ҳушёр бўлган одамларни ҳам қўшадилар.

لَا قَفَّ مَلَسُو هِي لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لَلْقَتِ: تَلَاقَ أَهْنَعُ هَلَّ لِي ضَرَّ ءَشَاءَ نَعِ  
«بَصْخُمُ لِي فِءَامِ يَلِ أَوْعَضُ»: لَقَاكَ كَنْ وَرَطْتَنِي مُمْهُ، أَلْ: أَنْ لُقُ «؟ سَأَنَّ لِي لَصَأُ»  
هَلَّ لِي لَصَلَّاقَ، قَافَأُ مُمْهُ، هِي لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لَلْقَتِ: تَلَاقَ أَهْنَعُ هَلَّ لِي ضَرَّ ءَشَاءَ نَعِ  
«بَصْخُمُ لِي فِءَامِ يَلِ أَوْعَضُ»: لَقَاكَ كَنْ وَرَطْتَنِي مُمْهُ، أَلْ: أَنْ لُقُ «؟ سَأَنَّ لِي لَصَأُ»  
مُمْهُ، هِي لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لَلْقَتِ: تَلَاقَ أَهْنَعُ هَلَّ لِي ضَرَّ ءَشَاءَ نَعِ  
«بَصْخُمُ لِي فِءَامِ يَلِ أَوْعَضُ»: لَقَاكَ كَنْ وَرَطْتَنِي مُمْهُ، أَلْ: أَنْ لُقُ «؟ سَأَنَّ لِي لَصَأُ»  
يُرَاحُ بِلْهَآوَرِّ ءَالِ صِلْ كَلِّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» дедилар.

«Йўқ, улар сизни кутишяпти», дедик.

«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар», дедилар.

Шундай қилдик. У зот ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, ҳушларидан кетиб қолдилар. Сўнгра ўзларига келдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» дедилар.

«Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик.

«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар», дедилар. Кейин ўтириб ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, яна ҳушларидан кетиб қолдилар. Сўнгра ўзларига келиб:

«Одамлар намоз ўқишдими?» дедилар.

«Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик.

«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар», дедилар. Кейин ўтириб ғусл қилдилар...»

Бухорий ривоят қилган.

7. Кўпчилик тўпланиб қилинадиган ибодатларда нохуш ҳидлар тарқалиб кетишининг олдини олиш ниятида ғусл қилиш тавсия этилади.

Бундай ишларга Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш, зиёрат ва видо тавофлари, қуёш ва ой тутилгандаги намозлар ва истисқо намозлари киради.

مَوِيْلُ سُعْلَا يَرْتَأِي سَابَعَنْ بَاي: اُولَاقِفِ اُوْءَاَجِرْ قَارْعِلْ لِهْ اَمْ اَسَانْ اَنْ اَ: مَرْكِعْ نَعِ  
سَيْلَفْ لَسْتَعْيْ مَلْ نَمَوِ، لَسْتَعْتَا نَمَلْ رُزِيْحْ وُرْطَا هَنْ كَلَوِ، اَلْ: لَاقِ؟ اَبْجَاوْ عُمُجْ لَ  
نْ وُسَبَلَي نَي دُوْءَجْ مَسَانْ لَانَا، لَسُعْلَا اَدَبْ فَيَكْ مُكْرَبْ اَسْوِ، بِيْجَاوْبْ هَيْلَعِ  
وُهْ اَمْنِ اِفْقِ سَلْ اَبْرَاقُ مَاقِيْضْ مَهْ دِجْ سَمَ نَاكْ وِ، مَهْ رُوْهُ طَيْلَعِ نَوْلْ مَعْيِ وِ، فَوْصَلَا  
يَفْ سَانْ لَاقِرْ وِ رَاقِ مَوِيْ يَفْ مَلَسْ وِ هَيْلَعِ هَلْ لَ اِلْ صِلْ لَ اِلْ وُسْرَ رَجْ رَحْفِ، شَيْرَعِ  
لُ وُسْرَ رَدَجْ وَاْمَلَفِ، اَضْعَبْ مَهْ ضَعْبْ كَلْ ذَبْ اِذَا، حَايْرْ مَهْ نَمْ تَرَاثْ اِيْتَحِ، فَوْصَلْ لَ اِلْ كَلْ  
مَوِيْلْ اَدَهْ نَاكْ اِذَا، سَانْ لَ اِهْيَا: لَاقِ، حَيْرْ لَ اِلْ كَلْ تَمَلَسْ وِ هَيْلَعِ هَلْ لَ اِلْ صِلْ لَ اِلْ  
مُتْ: سَابَعَنْ نَبْ اِلْ اَقِ. «وَبِيْطُوْ هَنْ دَنْ مَدِجِيْ اَمَلْ ضَفْ اَمْ كَدَحْ اَسَمِيْلَوِ، اُولَسْتَعْتَا  
ضَعْبْ بَهْدَوِ، مَهْ دِجْ سَمَ عَسُوْ وِ، لَمْعَلْ اُوْفُكْ وِ، فَوْصَلْ لَ اِلْ رِيْغِ اُوْسَبَلْ وِ رِيْحْ لَ اِلْ اَبْ هَلْ لَ اِلْ  
دُوَادْ وُبْ اَهْ اَوْرَاقِرْ عِلْ اَمْ اَضْعَبْ مَهْ ضَعْبْ يَدُوِيْ نَاكْ يَدْلَا

Икримадан ривоят қилинади:

«Аҳли Ироқдан бир тўп кишилар келиб:

«Эй Ибн Аббос! Сен жума куни ғусл қилиш вожиб деб биласанми?» дейишди. У деди:

«Йўқ. Лекин у ғусл қилувчи учун покроқ ва яхшироқдир. Ким ғусл қилмаса, унинг учун вожиб эмас. Сизга ғуслнинг бошланиши қандай бўлганини айтиб бераман. Одамлар қийинчиликда бўлиб, жун кийим кийишар ва орқаларида юк кўтариб ишлашарди. Масжидлари тор ва шифти паст, сўриток каби эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иссиқ кунда

чиқдилар ва одамларнинг ўша жунда терлаб, ҳид анқигани учун бир-бирларига озор берганини кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ҳидни сезиб:

«Эй одамлар! Агар шу кун бўлса, ғусл қилинглар ва ҳар бирингиз ўзининг энг афзал мойи ва хушбўйидан суртсин», дедилар».

Ибн Аббос:

«Кейин Аллоҳ яхшилиқни келтирди ва одамлар жундан бошқа нарсани кийдилар. Ишдан озод бўлдилар ва масжидлари кенгайтирилиб, бир-бирларига озор беришларига сабаб бўлган тер ҳиди ҳам кетди», деди».

Абу Довуд ривоят қилган.

**«Кифоя» китобидан**